

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судга хал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали хал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали хал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Яқиний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга қиради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати туганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга таъбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.



7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шакlining ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ўн) календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР: “Ўзбектелеком” АК Андижон филиали Пойтуғ телекоммуникациялар боғламаси	АБОНЕНТ: Избоскан туман СЭО ва ЖСХ
Манзил: Пойтуғ шаҳар, Тошқуча 1-уй Банк маълумотлари: “Алокабанк” Андижон филиали х/р: 20210000104074838308; СТИР: 203366731; МФО: 00401; АТБ “Алокабанк” Тел: 74-3123931; E-mail: andtel@uztelecom.uz; Регистрационий код плателъщика НДС: 32605001381	Манзил: Пойтуғ шаҳар, М. Улугбек МФЙ, Шифокорлар кўчаси 41 уй Банк маълумотлари: Миллий банк Андижон вилояти х/р: 100021860032147047110054001 СТИР: 200271441 МФО: 00014 Тел: (74) 312-28-94 E-mail: _____
Оператор томонидан:  Юлдашев Н	Абонент томонидан:  В. Кодиров

